

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

592 Суғурта фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини келишиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 6 ноябрь,
298-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома (кейинги ўринларда — қайта ташкил этишга рухсатнома деб аталади) бериш тартибини белгилайди.

2. Қайта ташкил этишга рухсатнома ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схема ва шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан берилади.

3. Қайта ташкил этишга рухсатнома бериш суғурталовчиларга қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳуқуқини беради.

4. Қайта ташкил этишга рухсатнома амал қилиш муддати чекланмасдан берилади.

II. Рухсатнома беришга доир талаблар ва шартлар

5. Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қуйидагилар киради:

суғурталовчилар томонидан уларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган талабларга риоя этилиши;

суғурта бозорида рақобатнинг чекланишига ёки бартараф этилишига йўл қўйилмаслиги;

суғурталовчилар томонидан уларга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтган илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши;

суғурталовчиларни қайта ташкил этишнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги.

III. Қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

6. Қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун суғурталовчи ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тўғрисида ариза;

муассисларнинг (қатнашчиларнинг) ёки таъсис ҳужжатларида бунга ваколат берилган суғурталовчи бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

ташкил этилаётган суғурталовчининг баланси ва унинг фаолияти молиявий натижалари прогнози;

қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномасининг лойиҳаси (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда).

7. Суғурталовчидан ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Қайта ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси орқали ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда суғурталовчига дарҳол берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва қайта ташкил этишга рухсатнома бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Ваколатли орган суғурталовчининг аризасини кўриб чиқади, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда қайта ташкил этишга рухсатномани беради ёки рад этади. Қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тўғрисида суғурталовчининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

11. Агар ваколатли орган қайта ташкил этишга рухсатнома бериш ёки уни рад этиш тўғрисида суғурталовчининг аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида суғурталовчига қайта ташкил этишга рухсатнома бермаса ёки уни беришни рад этмаса, у ҳолда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддат тамом бўлгандан кейин суғурталовчи уни амалга ошириш учун рухсатнома олиш ниятида бўлган қайта ташкил этишни, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда ваколатли орган суғурталовчининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни мобайнида унга қайта ташкил этишга рухсатнома беришга мажбур. Қайта ташкил этишга рухсатнома олингунга қадар тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ва суғурталовчи томонидан ваколатли органга юборилган ёзма хабарнома қайта ташкил этишга рухсатнома беришга тенглаштирилади ва қайта ташкил этишни содир этиш учун асос ҳисобланади.

12. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кундан кечикмай суғурталовчига қайта ташкил этишга рухсатномани

беради (юборади) ёки уни бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилади. Қайта ташкил этишга рухсатнома берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

13. Қайта ташкил этишга рухсатнома бериш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

қайта ташкил этишга рухсатнома берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг суғурталовчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги; суғурталовчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

суғурталовчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Қайта ташкил этишга рухсатномани беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Қайта ташкил этишга рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома суғурталовчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва суғурталовчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Суғурталовчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат қайта ташкил этишга рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

15. Суғурталовчи қайта ташкил этишга рухсатномани бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, қайта ташкил этишга рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш суғурталовчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Суғурталовчининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда илгари суғурталовчига ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларининг ваколатли орган томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

17. Қайта ташкил этишга рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин суғурталовчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Суғурталовчи қайта ташкил этишга рухсатнома бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Қайта ташкил этишга рухсатномалар дубликатларини бериш

19. Қайта ташкил этишга рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

20. Ваколатли орган қайта ташкил этишга рухсатнома дубликатини ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, шунингдек қайта ташкил этишга рухсатноманинг асл нусхасини — у яроқсиз ҳолга келган тақдирда беришга (юборишга) мажбур. Қайта ташкил этишга рухсатнома дубликати берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

VI. Қайта ташкил этишга рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

21. Қайта ташкил этишга рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, қайта ташкил этишга рухсатномани бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

22. Ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларга риоя қилишни текширишдан бош тортиш қайта ташкил этишга рухсатноманинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларнинг бир марта қўпол равишда бузилишига киради.

VII. Қайта ташкил этишга берилган рухсатномалар реестри

23. Ваколатли орган қайта ташкил этишга берилган рухсатномалар реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Қайта ташкил этишга берилган рухсатномалар реестрида суғурталовчилар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

суғурталовчининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

қайта ташкил этишга рухсатнома берилган сана ва унинг тартиб рақами;

қайта ташкил этишга рухсатномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

қайта ташкил этишга рухсатноманинг амал қилишини тўхтатишнинг асоси ва санаси;

қайта ташкил этишга рухсатномани бекор қилишнинг асоси ва санаси;

қайта ташкил этишга рухсатномалар дубликатларини беришнинг асоси ва санаси.

24. Қайта ташкил этишга берилган рухсатномалар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очик ҳисобланади.

Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи — суғурталовчи	Рўйхатга мувофиқ суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатномани олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва уларни Молия вазирлигига бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки улар олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Молия вазирлиги	<p>1. Молия вазирлиги суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатномани олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат дарҳол ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига берилади (юборилади).</p> <p>2. Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади, уни беради ёки беришни рад этади.</p> <p>3. Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади (топширилади).</p> <p>4. Рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар ариза берувчи томонидан такроран тақдим этилганда уларни кўриб чиқади.</p> <p>5. Ариза берувчига суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатномани беради (юборади) ёки уни суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ва 3) — ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунида; 4) ва 5) — ўн иш кунида.</p>

Суғурталовчини қайта ташкил
этишга рухсатнома бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(суғурталовчининг номи)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ (суғурталовчининг номи)нинг 20__ йил «__» _____даги ___-сон аризасини кўриб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) шаклида қайта ташкил этишга рухсатнома беради.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг ўринбосари _____

592-модда

— 78 —

45 (597)-сон

Суғурталовчини қайта ташкил
этишга рухсатнома бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

20__ йил «__» _____
№ _____

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

**Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома
бериш тўғрисида
А Р И З А**

(суғурталовчининг тўлиқ номи ва жойлашган жойи (почта манзили))

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ _____ (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) шаклида қайта ташкил этишга рухсатнома беришни илтимос қилади.

Иловалар:

1. _____
2. _____
- ...

Ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий
давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни
келишиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш (кейинги ўринларда суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схема ва шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш суғурталовчиларга суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш ҳуқуқини беради.

4. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш амал қилиш муддати чекланмасдан амалга оширилади.

II. Рухсатнома беришга доир талаблар ва шартлар

5. Суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қўйидагилар қиради:

суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;

суғурталовчилар томонидан уларнинг молиявий барқарорлигига қўйилдиган талабларга риоя этилиши;

ажратилган активларнинг диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига суғурталовчилар томонидан риоя этилиши.

**III. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш
учун зарур бўлган ҳужжатлар**

6. Суғурталовчи суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун ваколатли органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тўғрисида ариза;

суғурталовчи хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни мўлжаллаётган суғурта захиралари тўғрисидаги маълумотлар;

суғурталовчи суғурта захираларини жойлаштиришни мўлжаллаётган хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари тўғрисидаги маълумотлар.

7. Суғурталовчидан ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун зарур бўлган ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатларни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда суғурталовчига дарҳол топширилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш ёки келишишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Ваколатли орган суғурталовчининг суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқади, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда суғурта захираларини жойлаштиришни келишади ёки рад этади. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тўғрисида суғурталовчининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

11. Агар ваколатли орган суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш ёки уни рад этиш тўғрисида суғурталовчининг аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида суғурталовчига жойлаштиришни келишишга рухсатнома бермаса ёки уни беришни рад этмаса, у ҳолда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддат тамом бўлгандан кейин суғурталовчи уни амалга ошириш учун келишиш ниятида бўлган суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда ваколатли орган суғурталовчининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш кунини мобайнида суғурта захираларини жойлаштиришни келишишга мажбур. Ваколатли орган томонидан суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш амалга оширилгунга қадар қабул қилинган санаси тўғрисида белги қўйилган тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ва суғурталовчи томонидан ваколатли органга юборилган ёзма хабарнома суғурта захираларини жойлаштиришни

келишишга тенглаштирилади ва суғурта захираларини хорижий давлатларнинг қимматли қоғозларига жойлаштириш учун асос ҳисобланади.

12. Ваколатли орган, тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай, суғурталовчига суғурта захираларини жойлаштиришни келишишни беради (юборади) ёки суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилади. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

13. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш қўйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг суғурталовчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

суғурталовчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

суғурталовчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этилишига йўл қўйилмайди.

14. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома суғурталовчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва суғурталовчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Суғурталовчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

15. Суғурталовчи суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш ёки келишишни рад этиш суғурталовчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Суғурталовчининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан суғурталовчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларининг ваколатли орган томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

17. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин суғурталовчи томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Суғурталовчи суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш дубликатларини бериш

19. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш йўқолган ёки яроксиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

20. Ваколатли орган суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг дубликатини ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, шунингдек суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг асл нусхасини — у яроксиз ҳолга келган тақдирда беришга (юборишга) мажбур. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг дубликати берилганлиги учун ваколат орган томонидан йиғим ундирилмайди.

VI. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

21. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, суғурта захираларини жойлаштиришни келишишни бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

22. Ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларга риоя қилишни текширишдан бош тортиш суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларнинг бир марта қўпол равишда бузилишига киради.

VII. Суғурта захираларини жойлаштиришга берилган келишишлар реестри

23. Ваколатли орган суғурта захираларини жойлаштиришга берилган келишишлар реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Суғурта захираларини жойлаштиришга берилган келишишлар реестрида суғурталовчилар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

суғурталовчининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг берилган санаси ва тартиб рақами;

суғурта захираларини жойлаштиришни келишишни қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш ва унинг амал қилишини тиклашнинг асоси ва санаси;

суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг амал қилишини тўхтатишнинг асоси ва санаси;

суғурта захираларини жойлаштиришни келишишни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

суғурта захираларини жойлаштиришни келишишнинг дубликатларини беришнинг асоси ва санаси.

24. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишишлар реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очик ҳисобланади.

Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи — суғурталовчи	Рўйхатга мувофиқ суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва уларни Молия вазирлигига бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки улар олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан бирга электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Молия вазирлиги	<p>1. Молия вазирлиги суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат дарҳол ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига берилади (юборилади).</p> <p>2. Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади, уни беради ёки беришни рад этади.</p> <p>3. Суғурталовчини суғурта захираларини жойлаштиришни келишишининг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади (топширилади).</p> <p>4. Рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар ариза берувчи томонидан такроран тақдим этилганда уларни кўриб чиқади.</p> <p>5. Ариза берувчига суғурта захираларини жойлаштиришга рухсатномани беради (юборади) ёки уни бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.</p>	1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ва 3) — ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш кунида; 4) ва 5) — ўн иш кунида.

Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

(суғурталовчининг номи)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ (суғурталовчининг номи)нинг 20__ йил «__» _____даги __-сон аризасини кўриб чиқиб қўйдагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта захираларининг _____ (хорижий давлатнинг номи)нинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштирилишига эътироз билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг ўринбосари _____

592-модда

— 86 —

45 (597)-сон

Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

20__ йил «__» _____
№ _____

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

**Суғурта захираларини жойлаштиришни
келишиш тўғрисида
А Р И З А**

(суғурталовчининг тўлиқ номи ва жойлашган жойи (почта манзили))

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурта захираларини жойлаштиришни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта захираларини _____ (хорижий давлатнинг номи)нинг давлат қимматли қоғозларига жойлаштиришга розилик беришни илтимос қилади.

Иловалар:

1. _____
2. _____
- ...

Ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш
чора-тадбирлари комплексини келишиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ҳисобот давридаги иш якунлари бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан 0,5 гача камайган тақдирда суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини келишиш (кейинги ўринларда чора-тадбирлар комплексини келишиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Чора-тадбирлар комплексини келишиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда — ваколатли орган деб аталади) томонидан амалга оширилади ҳамда суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексининг юқоридаги чап бурчагига «КЕЛИШИЛГАН» деган ёзувни киритиш, келишиш санасини кўрсатиш ва ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқлаш йўли билан расмийлаштирилади.

3. Чора-тадбирлар комплексини келишиш суғурталовчиларга суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш ҳуқуқини беради.

4. Чора-тадбирлар комплексини келишиш амал қилиш муддати чекланмасдан амалга оширилади.

II. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

5. Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштиришда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга қуйидагилар киради:

суғурталовчиларнинг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши;

суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш тадбирларининг фақат келишилган чора-тадбирлар комплексига мувофиқлиги.

**III. Чора-тадбирлар комплексини келишиш учун
зарур бўлган ҳужжатлар**

6. Чора-тадбирлар комплексини келишиш учун суғурталовчи ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича чора-тадбирлар комплексини келишиш тўғрисидаги ариза;

суғурталовчининг раҳбари томонидан тасдиқланган икки нусхадаги чора-

тадбирлар комплекси камчилик аниқланган санадан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддат учун ишлаб чиқилган ва молиявий ахволни барқарорлаштириш тадбирлари, муддати ва ушбу тадбирдан кутилаётган натижаларини ўз ичига олиши лозим. Бунда чора-тадбирлар комплексида устунлик суғурталовчининг молиявий ахволини қисқа муддатларда соғломлаштиришга олиб келадиган тадбирларга берилиши ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тўлов қобилиятини қўллаб-қувватлаш усулларини қўллаш назарда тутилиши керак;

чора-тадбирлар комплекси амалга ошириладиган муддати охирида суғурталовчи тўлов қобилиятининг режалаштириладиган кўрсаткичлари ҳисобкитоби. Агар чора-тадбирлар комплексида устав капиталини муассислар (акциядорлар) маблағлари ҳисобидан ўзгартириш назарда тутилган бўлса, чора-тадбирлар комплекси муассислар (акциядорлар) билан келишилиши керак. Бунда чора-тадбирлар комплексида муассислар (акциядорлар) йиғилиши баённомасининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади ҳамда муассислар (акциядорлар) йиғилиши баённомасининг нусхаси илова қилинади.

7. Суғурталовчидан ушбу Низомнинг 6-моддасида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Чора-тадбирлар комплексини келишиш учун зарур бўлган ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, уларнинг олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол суғурталовчига берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар комплексини келишиш ёки келишишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Ваколатли орган суғурталовчининг чора-тадбирлар комплексини келишиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқади, ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда чора-тадбирлар комплексини келишади ёки рад этади. Чора-тадбирлар комплексини келишиш тўғрисида суғурталовчининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

11. Агар ваколатли орган чора-тадбирлар комплексини келишиш ёки уни рад этиш тўғрисида суғурталовчининг аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида чора-тадбирлар комплексини бермасе ёки уни беришни рад этмасе, у ҳолда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддат тамом бўлгандан кейин суғурталовчи уни амалга ошириш учун келишиш ниятида бўлган чора-тадбирлар комплексини суғурталовчининг молиявий ахволини

соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини, бу ҳақда ваколатли органи ёзма равишда хабардор қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда ваколатли орган суғурталовчининг ёзма билдиришномаси олингандан кейин беш иш куни мобайнида келишилган чора-тадбирлар комплексини беришга мажбурдир. Келишилган чора-тадбирлар комплекси олингунга қадар қабул қилинган санаси тўғрисида белги қўйилган тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ва суғурталовчи томонидан ваколатли органга юборилган ёзма хабарнома келишилган чора-тадбирлар комплексига тенглаштирилади ва суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш учун асос ҳисобланади.

12. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай суғурталовчига келишилган чора-тадбирлар комплексини бериши (юбориши) ёки келишиш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Келишилган чора-тадбирлар комплекси берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

13 Чора-тадбирлар комплексини келишиш қуйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

чора-тадбирлар комплексини келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг суғурталовчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги; суғурталовчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

суғурталовчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Чора-тадбирлар комплексини келишишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Чора-тадбирлар комплексини келишишнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома суғурталовчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва суғурталовчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Суғурталовчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат чора-тадбирлар комплексини келишиш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

15. Суғурталовчи чора-тадбирлар комплексини келишишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш чора-тадбирлар комплексини келишишни ёки уни келишишни рад этиш суғурталовчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Суғурталовчининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан

ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини ваколатли орган томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

17. Чора-тадбирлар комплексини келишишнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин суғурталовчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Суғурталовчи чора-тадбирлар комплексини келишишнинг рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш ва дубликатлар бериш

19. Суғурталовчи қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда суғурталовчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказишдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки улар олинганлиги тўғрисида хабарнома билан электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Суғурталовчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

20. Келишилган чора-тадбирлар комплекси қайта расмийлаштиргунга қадар келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган суғурталовчи ёки унинг ҳуқуқий вакили ариза қабул қилинган сана тўғрисида ваколатли органнинг белгиси билан келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган ариза асосида суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштиради.

21. Келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштиришда ваколатли орган берилган келишилган чора-тадбирлар комплекслари реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Чора-тадбирлар комплексини келишишни қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

22. Келишилган чора-тадбирлар комплекси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган келишилган чора-тадбирлар комплексининг дублика-

тини ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, шунингдек келишилган чора-тадбирлар комплексининг асл нусхасини — у яроқсиз ҳолга келган тақдирда беришга (юборишга) мажбур. Келишилган чора-тадбирлар комплекси дубликати берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

VI. Келишилган чора-тадбирлар комплексининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

23. Келишилган чора-тадбирлар комплексининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, келишилган чора-тадбирлар комплексини бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

24. Ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларга риоя қилишни текширишдан бош тортиш келишилган чора-тадбирлар комплексининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат берувчи талаблар ва шартларнинг бир марта қўпол равишда бузилишига киради.

VII. Берилган келишилган чора-тадбирлар комплекслари реестри

25. Ваколатли орган берилган келишилган чора-тадбирлар комплекси реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

Берилган келишилган чора-тадбирлар комплекси реестрида суғурталовчилар тўғрисидаги қўйидаги асосий маълумотлар кўрсатилиши керак:

суғурталовчининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

келишилган чора-тадбирлар комплекси берилган сана ва унинг тартиб рақами;

келишилган чора-тадбирлар комплексини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

келишилган чора-тадбирлар комплексининг амал қилишини тўхтатишнинг асоси ва санаси;

келишилган чора-тадбирлар комплексини бекор қилишнинг асоси ва санаси;

келишилган чора-тадбирлар комплекси дубликатларини беришнинг асоси ва санаси.

26. Келишилган чора-тадбирлар комплекси реестридаги маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади.

Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплекси-ни келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш
чора-тадбирлари комплексини келишиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи — суғурталовчи	Рўйхатга мувофиқ чора-тадбирлар комплекси-ни келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди ва уларни Молия вазирлигига бево-сита, почта алоқа воситаси орқали ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан бирга электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Молия вазирлиги	<p>1. Чора-тадбирлар комплексини келишиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади, рўйхат ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига берилади (юборилади).</p> <p>2. Чора-тадбирлар комплексини келишиш тўғ-рисидаги аризани кўриб чиқади, уни беради ёки беришни рад этади.</p> <p>3. Чора-тадбирлар комплексини келишишнинг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ариза берувчига ёзма шаклда юборилади (топширилади).</p> <p>4. Рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ҳужжатлар ариза берувчи томонидан так-роран тақдим этилганда уларни кўриб чиқади.</p> <p>5. Ариза берувчига келишилган чора-тадбир-лар комплексини беради (юборади) ёки уни бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда; 2) ва 3) — ҳужжатлар қабул қилинган сана-дан бошлаб ўн иш кунида; 4) ва 5) — ўн иш кунида.</p>

45 (597)-сон

— 93 —

592-модда

Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

20__ йил «__» _____
№ _____

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

**Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш
чора-тадбирлари комплексини келишиш тўғрисида
А Р И З А**

_____ манзили бўйича жойлашган
(жойлашган жойи (почта манзили))

_____ (суғурталовчининг тўлиқ номи)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ суғурталовчининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини келишишни илтимос қилади.

Иловалар:

1. _____
2. _____

Ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан
молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини
келишиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тартибини (кейинги ўринларда огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш деб аталади) белгилайди.

2. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан ушбу Низомга 1-иловага асосан схема бўйича амалга оширилади ҳамда огоҳлантириш тадбирлари рўйхатининг юқоридаги чап бурчагига «КЕЛИШИЛГАН» ёзувини киритиш, келишиш санасини кўрсатиш ва ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқлаш орқали расмийлаштирилади.

3. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш суғурталовчиларга огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

4. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш чекланмаган муддатга берилади.

II. Рухсат этиш талаблари ва шартлари

5. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш суғурталовчиларга огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирларини амалга оширишда рухсат этиш талаблари ва шартларига қуйидагилар қиради:

суғурталовчи томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

келишилган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатига мувофиқ огоҳлантириш тадбирлари захираси маблағларидан фақат бахтсиз ҳодисалар, суғурталанган мол-мулкни йўқотиш ёки зиён этишининг олдини олишга, шунингдек бошқа суғурта ҳодисаларининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланиш.

**III. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш
учун зарур ҳужжатлар**

6. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш учун суғурталовчи ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага асосан шакл бўйича огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш ҳақидаги ариза;

икки нусхада суғурталовчи томонидан тасдиқланган огоҳлантириш тадбирлари рўйхати.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни суғурталовчилардан талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш учун зарур бўлган ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

9. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш учун суғурталовчи томонидан ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол суғурталовчига берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш ёки келишишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Ваколатли орган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш ҳақидаги аризани кўриб чиқади, мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатларни қабул қилган санадан ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишади ёки келишишни рад этади. Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

11. Агар ваколатли орган суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш муддати мобайнида уни бериш ёки беришни рад этишда суғурталовчига келишилган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини бермаси ёки уни беришни рад этса, у ҳолда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган муддат тугаши билан суғурталовчи, келишишни олиш кўзда тутилган огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш учун ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатда ваколатли орган суғурталовчининг ёзма хабарномасини олгач беш иш кунни мобайнида унга келишилган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини бериши шарт. Келишилган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини олгунга қадар, тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ва суғурталовчи томонидан ваколатли органга юборилган ёзма хабарнома огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатига тенглаштирилади ва огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

12. Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай суғурталовчига келишилган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини беради (юборади) ёки уни келишиш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхати берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмайди.

13. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш қўйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг суғурталовчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

суғурталовчининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

суғурталовчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишнинг рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, хабарнома суғурталовчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва суғурталовчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Суғурталовчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас.

15. Суғурталовчи огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш ёки уни рад этиш суғурталовчининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Суғурталовчининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

16. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан суғурталовчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларининг ваколатли орган томонидан кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

17. Огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин суғурталовчи

томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Суғурталовчи огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишнинг рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш ва дубликатлар бериш

19. Суғурталовчи қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда суғурталовчи ёки унинг вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин етти иш куни мобайнида ваколатли органга кўрсатилган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки электрон шаклда, уларнинг олинганлиги тўғрисидаги хабарнома билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Суғурталовчидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

20. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган суғурталовчи ёки унинг вориси огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштиргунга қадар ваколатли органнинг аризани қабул қилган санаси тўғрисидаги белгиси билан огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш ҳақида берилган аризаси асосида огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирларини амалга оширади.

21. Ваколатли орган огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштиришда огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатлари берилган реестрга тегишли ўзгартиришларни киритади. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш ва бериш, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш ҳақидаги аризаси ваколатли орган томонидан олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

22. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхати йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхати дубликатини, шунингдек у яроқсиз ҳолга келган тақдирда огоҳлантириш тад-

бирларининг келишилган рўйхатининг асл нусхасини бериши (юбориши) шарт. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхати дубликатини берганлик учун йиғим ундирилмайди.

VI. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

23. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларига мувофиқ назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда амалга оширилади.

24. Ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя қилинишини текширишдан бош тортиш огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган рухсат бериш талаблари ва шартларининг бир марта қўпол бузилишига киради.

VII. Огоҳлантириш тадбирларининг берилган келишилган рўйхатлари реестри

25. Ваколатли орган огоҳлантириш тадбирларининг берилган келишилган рўйхатлари реестрини юритади ва уни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Огоҳлантириш тадбирларининг берилган келишилган рўйхатлари реестрида суғурталовчилар тўғрисида қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим:

суғурталовчининг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

огоҳлантириш тадбирлари келишилган рўйхатининг берилган санаси ва рақами;

огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш асослари ва санаси;

огоҳлантириш тадбирлари келишилган рўйхатининг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатини бекор қилиш асослари ва санаси;

огоҳлантириш тадбирлари келишилган рўйхатининг дубликатларини бериш асослари ва санаси.

26. Огоҳлантириш тадбирларининг келишилган рўйхатлари реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади.

Суғурталовчининг огоҳлантириш тadbирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Суғурталовчининг огоҳлантириш тadbирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тadbирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи — суғурталовчи	Суғурталовчининг огоҳлантириш тadbирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш учун зарур бўлган ҳужжатларни рўйхатга мувофиқ тайёрлайди ҳамда уларни Молия вазирлигига бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома билан электрон шаклда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра
2-босқич	Молия вазирлиги	<p>1. Молия вазирлиги суғурталовчининг огоҳлантириш тadbирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади ва зудлик билан ҳужжатларни қабул қилган сана тўғрисидаги белги билан ариза берувчига беради (юборади).</p> <p>2. Суғурталовчининг огоҳлантириш тadbирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади ёки уни беришни рад этади.</p> <p>3. Огоҳлантириш тadbирлари рўйхатини келишиш рад этилганлиги ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, хабарнома суғурталовчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва суғурталовчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).</p> <p>4. Рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин аризачи томонидан ҳужжатлар такрор тақдим этилганда уларни кўриб чиқади.</p> <p>5. Ариза берувчига огоҳлантириш тadbирларининг келишилган рўйхатини беради (юборади) ёки уни беришни рад этиш тўғрисида ёзма шаклда уни хабардор қилади.</p>	<p>1) ҳужжатлар қабул қилинган кунда;</p> <p>2) ва 3) — ҳужжатлар қабул қилинган сандан бошлаб ўн иш кунда;</p> <p>4) ва 5) — ўн иш кунда.</p>

592-модда

— 100 —

45 (597)-сон

Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

20__ йил «____» _____
№ _____

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

**Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан
молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари
рўйхатини келишиш тўғрисида
АРИЗА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ _____ (жойлашган жойи (почта манзили) бўйича жойлашган _____ (суғурталовчининг тўлиқ номи) суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари рўйхатини келишишни сўрайди.

Илова:

1. _____

2. _____

...

Ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О. ва имзоси

М.Ў.